DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.13996769

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

Даврон МАНСУРОВ	*“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Инвестиция дастурларини шакллантириш ва бажарилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи*
Бобур ҚАЛАНДАРОВ	*“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Инвестиция дастурларини шакллантириш ва бажарилишини мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси*

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури доирасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖда амалга оширилаётган долзарб вазифалар, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича бажарилаётган амалий ишлар атрофлича ёритилади. Шунингдек, импорт товарларнинг божхона тўловлари расмийлаштируви юзасидан муҳим таҳлилий маълумотлар тақдим қилинади.

Калит сўзлар: инвестиция, қайта тикланувчи энергия, экспорт, импорт, ташқи иқтисодий фаолият, божхона расмийлаштируви, божхона тўлови

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ РЕАЛИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ

Даврон МАНСУРОВ
Начальник отдела формирования и контроля реализации инвестиционных программ АО «Узбекгидроэнерго»

Бобур КАЛАНДАРОВ
Главный специалист отдела контроля формирования и реализации инвестиционных программ АО «Узбекгидроэнерго»

Аннотация: *В данной статье подробно освещены выполняемые актуальные задачи, привлечение иностранных инвестиций и практическая работа по внешнеэкономической деятельности в АО «Узбекгидроэнерго» в рамках инвестиционной программы Республики Узбекистан. Также представлена важная аналитическая информация по таможенному оформлению импортных товаров.*

Ключевые слова: *инвестиции, возобновляемые источники энергии, экспорт, импорт, внешнеэкономическая деятельность, таможенное оформление, таможенный сбор.*

THE EFFECTIVENESS OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITIES IN ENSURING THE IMPLEMENTATION OF THE INVESTMENT PROGRAM

Davron MANSUROV
Head of the Department of Formation and Monitoring of Implementation of Investment Programs of «Uzbekgidroenergo» JSC

Bobur KALANDAROV
Chief specialist of the department of monitoring the formation and implementation of investment programs of «Uzbekgidroenergo» JSC

Abstract: *This article provides a detailed overview of the current tasks being undertaken, the attraction of foreign investments, and the practical work on foreign economic activities at JSC «Uzbekhydroenergo» within the framework of the investment program of the Republic of Uzbekistan. It also presents important analytical information on the customs clearance of imported goods.*

Keywords: *investment, renewable energy sources, export, import, foreign economic activity, customs clearance, customs duty.*



Барчамизга маълумки, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2024 йил 2 январь куни инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳамда энергетика тизимида қайта тикланувчи энергия қувватлари улушини кўпайтириш бўйича 2023 йилда қилинган ишлар ва 2024 йилга мўлжалланган режалар тақдимоти билан танишди.

Амалга оширилган ишлар таҳлил қилинар экан, жорий йилда хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда энергетика тизимига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда энергетика тармоғини ажралмас ва муҳим таркибий қисми ҳисобланган гидроэнергетика соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад – қайта тикланувчи, экологик жиҳатдан тоза электр энергиясини ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, мамлакат энергетика тизимида гидроэнергетика улушини кўпайтириш, мавжуд гидроэнергетика салоҳиятидан унумли ва самарали фойдаланиш орқали мамлакат иқтисодиётининг тараққиётига, жонажон халқимиз фаровонлигига хизмат қилишдир.

Жадал суръатларда ўсиб бораётган тараққиётдан ортда қолмаслик ҳамда бугунги куннинг талабларига мос равишда изчил ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун Жамиятимиз 2024 йилда ҳам ўз олдига инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда катта марраларни забт этишни асосий мақсад қилган.

Жумладан, 2024 йил 1-ярим йилликдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўрсаткичлари 7,8 млн долларни ташкил этган бўлса, ўтган йилда ушбу кўрсаткич жами 3,4 млн долларни ташкил этган, яъни жорий йил биринчи ярим йилликнинг ўзида ўтган йил умумий кўрсаткичлари 2 баробарга оширилишига эришилди.

Албатта, ушбу кўрсаткичларга эришишда, замонавий технологияларни жорий этиш, янги ГЭСларни қуриш ва модернизация қилиш учун бугунги куннинг талабига жавоб берадиган асбоб-ускуналарни танлаш, уларни келтириш босқичларини тўғри ташкил этиш, мавжуд имтиёзлардан

PRINT ISSN 3060-4672
VOLUME 6 | ISSUE 2 | 2024

оқилона фойдаланиш, божхона ва бошқа амалиётларни қисқа муддатларда юқори профессионаллик билан амалга ошириш, асбоб-ускуналарни талаб даражасида сақланишини таъминлаш талаб этилади.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида бу борада олиб борилаётган ислоҳотларга эътиборни қаратсак.

Ташқи иқтисодий фаолият доирасидаги ишларни ташкил этишда муҳим қадамлар қўйилди...

Бизга маълумки, хориждан импорт қилинаётган асбоб-ускуналар Ўзбекистон чегарасидан қурилиш объектига етказилгунга қадар бир қатор божхона тартиб-таомилларидан ўтказилиши керак бўлади.

Экспортёр компания ва логистика ташкилотлари билан юклар тўғрисида электрон маълумот алмашинувлари йўлга қўйилган бўлиб, бу товарлар тўғрисида маълумотларни олдиндан олиш, божхона расмийлаштирувига дастлабки ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда тушириш учун жой ҳозирлаш каби вазифаларни ўз вақтида амалга оширишга хизмат қилади.

Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон ҳамда Европанинг бир қатор нуфузли компаниялари билан импорт шартномалари имзоланган бўлиб, 2017 йилдан ҳозирга қадар **165,9** млн долларлик асбоб-ускуналар бевосита (“калит остида” топшириш шартларидаги импорт ҳажмлари бундан мустасно) Жамият томонидан олиб келиниб, божхона расмийлаштирувидан ўтказилган. 2023 йилда **24,1** млн долларлик ускуналар импорт қилинган бўлса, 2024 йилнинг январь-июнь ойларида ушбу кўрсаткич **9,74** млн долларни ташкил қилган.

Божхона қўмитасининг тегишли божхона бошқармалари ва постлари билан амалдаги қонунчиликлар асосида музокаралар олиб бориш натижасида асбоб-ускуналарни божхона омборларига ва божхона назорат зоналарига киритмасдан тўғридан-тўғри қурилиш объекти омборларига жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилган. Натижада ортиқча вақт ва харажатларнинг сезиларли камайишига эришилди.



Шу билан бирга, божхона расмийлаштирувини соддалаштирилган ҳолда амалга ошириш чоралари ҳам кўриб келинмоқда. Жумладан, Божхона кодексида шундай қоида мавжудки, унга кўра товарларни “Божхона омбори” божхона режимига расмийлаштирмасдан тўғридан-тўғри “Эркин муомалага чиқариш” божхона режими расмийлаштирилишига ҳам истисно тариқасида рухсат берилган. Бу қоидани қўллашнинг асосий шарти шундаки, бунда юк автоулови божхона постига етиб келгандан кейин 24 соат ичида барча ҳужжатлар тайёр бўлиши ва божхона тўловлари олдиндан тўланган бўлиши керак. Жамият томонидан импорт қилинган барча ускуналарнинг божхона расмийлаштируви асосан юқоридаги тартиб асосида амалга оширилган бўлиб, 2023 йилнинг ўзида **425** млн сўмга яқин пул маблағлари иқтисод қилиб қолинган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг ўтган даврида **138** млн сўмни ташкил қилади. Мазкур тартиб тизим корхоналари ва қурилиш дирекциялари амалиётида ҳам татбиқ қилинмоқда.

Технологик ускуналар учун божхона тўловларидан имтиёзларни қўллаган ҳолда божхона расмийлаштируви тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиб келинмоқда.





Жумладан, Халқаро молия ташкилотларининг (Осиё тараққиёт банки, Россиянинг Ташқи иқтисодиёт банки, Хитойнинг Экспорт Импорт банки ва х.к.) имтиёзли кредитлари асосида олиб келинаётган асбоб-ускуналарга Божхона кодексининг 297-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 246-моддаларига асосан божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган. Шунингдек, Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобига олиб келинаётган микроГЭСларни ва бошқа ускуналар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари асосида божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилишига эришилди.

Асбоб-ускуналар божхона расмийлаштирувидан ўтказилгандан кейин, қурилиш объектидаги аввалдан тайёрлаб қўйилган ёпиқ турдаги омборларга туширилиб, қор ва ёмғирли об-ҳаводан, намгарчиликлардан ҳимоялаш ва сақлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилмоқда.

PRINT ISSN 3060-4672
VOLUME 6 | ISSUE 2 | 2024

Бу соҳада Жамиятда ишлар тўғри ташкил қилинганлиги ҳамда қўшимча манбалардан оқилона ва тезкорлик билан фойдаланганлиги натижасида “Қуйи Чотқол” ГЭС қурилиши учун Россия Федерациясидан жорий йил апрель ойининг ўзида 6,25 млн. долларлик технологик ускуналар импорт қилиниб, ўз вақтида божхона кўриги ва расмийлаштирувидан ўтказилди. Айни дамда Россиядан навбатдаги босқичдаги асбоб-ускуналарни юклаш ва ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йил давомида Жамият ва тизим ташкилотлари ҳамда Пудратчи (“калит остида топшириш” шарти асосидаги ташкилотларга ҳам) корхоналарга божхона расмийлаштируви жараёнларида имтиёз учун ҳужжатларни тайёрлаш, ўз омборларига тушириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш, божхона кўригидаги ҳамда божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бошқа муаммоли ҳолатларда яқиндан кўмаклашиб, барча масалалар ижобий ҳал қилинишига эришиб келинмоқда.



Яна шуни таъкидлаш жоизки, катта ҳажмдаги асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, йиғиш ва етказиш учун кўп вақт талаб қилинишини инобатга олиб, қурилиш соҳасида вақт йўқотишларни олдини олиш мақсадида, асбоб-ускуналарни тизимли равишда, яъни дастлаб энг зарур қисмларини (закладной деталь) етказиб бериш, сўнгра график асосида қурилиш жараёнига зарур бўлган кейинги босқичдаги қисмларни етказиш ишлари режалаштириб олинган. Бу эса, ўз навбатида, қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштирилган графиклар асосида олиб боришга шароит яратиб бермоқда.

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи даркор.